

**“БОГОТ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Хоразм вилояти, Богот тумани,  
Урганч кўчаси, 2-й.**

**2024 йил 13 сентябрь**

Умумий йигилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти Богот тумани, Урганч кўчаси 2-й “Богот пахта тозалаш”АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **14:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:55**

Акциядорлар умумий йигилиш бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар овозларнинг умумий сони – **11 480 660** дона.

“Богот пахта тозалаш”АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йигилиши (келгусида матн давомида - Йигилиш) жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 19 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йигилишда иштирок этиш ҳуқукига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 9 сентябрь.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси К. Хусаинова йигилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йигилиш раёсатига қўйидагилар сайланди:

1. Искандаров Махмудбой Қодирбердиевич – "Хоразмпахтасаноат ҲБ"АЖ тугатиш комиссияси раиси, кузатув кенгаши аъзоси;
2. Хусаинова Кундузхон Равшонбековна – жамият кузатув кенгаши аъзоси;
3. Отаниёзов Отaxon Шарипович – жамият акциядори.

Йигилиш раёсати аъзоси Отаниёзов Отaxon Шарипович малака ва тажрибага эга бўлган “Хоразмпахтасаноат ҲБ” АЖ тугатиш комиссия раиси Искандаров Махмудбой Қодирбердиевични йигилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси Полиязов Мўмин Раматовични йигилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йигилишда раислик қилувчи этиб Искандаров Махмудбой Қодирбердиевич ва йигилиш котиби этиб Полиязов Мўмин Раматович сайланди.

Йигилишни, йигилишда раислик қилувчи Искандаров Махмудбой Қодирбердиевич очди ва акциядорлар ҳамда йигилиш катнашчиларини йигилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси раиси Қутлимуродов Фарход Комиловичга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Кимматли қоғозларнинг Марказий Депозитарийси”АЖ томонидан 2024 йил 9 сентябрь ҳолатига шакллантирилган “Богот пахта тозалаш”акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йигилишда овоз бериш учун **915** та акциядорга тегишли **11 480 660** дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий микдорда **6 279 372** дона овоз берувчи акцияларга овоз берувчи акцияларнинг **54.7 %** ни ташкил этади ва йигилиш ваколатли (кворумга яга) хисобланади.

Йигилишга таклиф этилганлар:

Зайдов Зокир Ганжаевич – жамият бош директори;

Аминов Зафарбек Қурамбоевич – бош хисобчи;



Йиғилишда раислик килувчи Исқандаров Махмудбой Қодирбердиевич йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаши.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаши.

3.. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармони ижроси тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

### КУНТАРТИБИ:

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик килувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллегенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2024 йил 19 сентябрдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркиби жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати мутахассиси Полиязов Мўмин Раматович, ҳамда иш хақи ва материаллар хисобчиси Қутлимуродов Фарход Комилович номзодларини киритиши таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда шахсий таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

#### Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –6279372та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Икки кишидан иборат қуйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Полиязов Мўмин Раматович;
- 2) Қутлимуродов Фарход Комилович;

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик килувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшилтириди. Мазкур йиғилиш кун тартибида З та масала кўрсатилганлигини маъзуза учун 40(кирқ) дақиқа, муҳокама ва мунозаралар учун 20 (йигирма) дақиқа ҳамда саноқ комиссияси иши учун 20(йигирма) дақиқа, жами 1 соат 20 дақиқа вақт ажратилиши мақсадга мувоғик эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқланиши масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдириларини сўради.

#### Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –6279372та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.



Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнингумумий  
йигилиши қарор қилади:

**1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йигилишининг  
реглamenti тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** йигилишда раислик қилувчи  
М.Искандаров ўз сўзида кун тартибидаги масала бўйича қуидагиларни маълум  
қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик  
соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид  
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-бандида қуидагилар  
белгиланган:

а) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг  
35 фоизи ва ундан юқори қисми тўланган пахта тозалаш заводлари ва пахта қабул  
қилиш масканларини (кейинги ўринларда — мулкий мажмуя) жалб этиладиган  
кредит бўйича мулкий мажмуя сифатида гаровга қўйишга рухсат бериш. Бунда:

мулкий мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга  
ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик  
суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим  
етилади;

кредит карздорлиги хисобига мулкий мажмуалар гаров мулки сифатида  
тижорат банклари тасарруфига ўtkазилганда, мулкий мажмуани савдоларга чиқариш  
уларнинг фаолият турларини саклаб қолиш шарти билан амалга оширилади;

б) тугатилаётган “Ўзнахтасаноат” АЖнинг мулкий мажмуаларини сотиб олиш  
бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов  
графиги бўйича карздорликлар муддатини бир йилга узайтириш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарорига асосан  
“Боғот пахта тозалаш” АЖ (пахта тозалаш заводи хамда “Оқ-олтин” пахта қабул  
қилиш маскани) мол-мулклари **“КОВОТЕХ” МЧЖ**га 5 йил муддатга бўлиб тўлаш  
шарти билан 2020 йил 4 августда тузилган №52, №53 ва 2020йил 5 августда тузилган  
57-сонли хамда 2021йил 26 февралда ушбу №52, №53, №57-сонли шартномаларга  
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги келишувга асосан баҳоланган  
кийматда **38 365,2 млн. сўмга** (ҚҚС билан) сотилган.

“КОВОТЕХ” МЧЖ томонидан шартномага мувофиқ 2024йил 1 сентябрь  
холатига 34422 млн. сўм ёки **89,7 фоизи** тўланган, қарздорлик 3 943,1 млн. сўмни,  
жумладан муддати ўтган қарздорлик 3 943,1 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Фармон талабларига кўра. **“КОВОТЕХ” МЧЖ** пахта-тўқимачилик кластери  
томонидан “Боғот пахта тозалаш” АЖга қуидагича мурожаат қилинган:

- 2024 йил 1 августдаги 42-сонли мурожаатида “Боғот пахта тозалаш” АЖнинг  
мулкий мажмуаларини сотиб олиш бўйича **“КОВОТЕХ” МЧЖ** билан 2020 йил  
4 августдаги №52, №53 хамда 2020 йил 5 августдаги №57-сонли хамда 2021йил  
26 февралда ушбу №52, №53, №57-сонли олди-сотди шартномаларга ўзгартириш ва  
қўшимчалар киритиш тўғрисидаги келишувида белгиланган тўлов графиги бўйича  
карздорликлар муддатини бир йилга узайтиришни;

2024 йил 1 августдаги 46-сонли мурожаатида “Пахта 2024” йил хосилини  
йиғиматедими учун “Агробанк” АТБнинг Боғот филиалидан олинаётган кредит учун  
“Боғот пахта тозалаш” АЖ қарашли мол-мулк ва асбоб-ускуналарни гаров сифатида  
кунигини рухсат сураган.

Кун тартибидаги масала бўйича, акциядорлардан фикр мулоҳазалари сўралди.  
Акциядорлар ўртасида ушбу масала кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров ўз сўзида, жамият мулкий мажмуини сотиб олган кластер корхонаси бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 35 фоизидан юкори қисмини тўланганлиги сабабли Фармонда белгиланган шартлар асосида “Оқ-олтин” пахта қабул қилиш масканини жалб этиладиган кредит бўйича мулкий мажмуа сифатида гаровга кўйишга рухсат беришни ҳамда мулкий мажмуаларини сотиб олиш бўйича кластерлар билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорликлар муддатини бир йилга узайтириши ва ҳар ойи тенг микдорларда тўланишини таклиф килди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан мазкур таклиф юзасидан муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” –6279372 та овоз билан 100%; “Қаршилар”- йўқ;  
“Бетарафлар”- йўқ; Бекор қилинган овоз- йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 22 июлдаги “Пахтачилик соҳаси корхоналарининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилашга оид чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-103-сон Фармонининг 4-банди ижро учун қабул қилинсин.

2. “Боғот пахта тозалаш” АЖ бош директори (З.Сайдов):

а) “КОВОТЕХ” МЧЖ кластери билан тузилган олди-сотди шартномаларида белгиланган тўлов графиги бўйича қарздорлиқлар муддатини бир йилга узайтириш ва қолган қарздорликни ойма-ой тенг микдорда амалга оширишини белгиловчи тўлов графигини тасдиқлаш бўйича кўшимча келишувлар тузсин;

б) “КОВОТЕХ” МЧЖга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган ва сотиб олиш қийматининг 89,7 фоизи тўланган пахта тозалаш заводи ҳамда “Оқ-олтин” пахта қабул қилиш масканини жалб этиладиган кредит бўйича мулкий мажмуа сифатида гаровга кўйишга рухсат берсин. Бунда:

мулкий мажмуаларни сотиб олиш бўйича тўловларнинг қолган қисмини амалга ошириш таъминоти сифатида суғурта компаниясининг тўловни амалга оширмаслик суғурта полиси ва (ёки) учинчи шахс кафиллиги ёхуд бошқа банк кафолати тақдим этилади;

кредит қарздорлиги хисобига мулкий мажмуалар гаров мулки сифатида тижорат банклари тасарруфига ўтказилганда, мулкий мажмуани савдоларга чиқариш уларнинг фаолият турларини сақлаб қолиш шарти билан амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган карорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Искандаров Махмудбой Кодирбердиевич акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб. Йиғилишни ёник деб эълон қилди.



Йиғилиш раиси: / / М.Искандаров

Йиғилиш кетуби: / / М.Полиязов

Йиғилиш бастыомаси 2024 йил 14 сентябрь куни икки нусхада тузилди.